

“Ҳаж - 2023” мавсумига тайёргарлик жараёнлари жадал давом этмоқда



16:49 / 03.06.2023 764

Шу кунларда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Ҳаж ва умра тадбирларини ташкил этиш” марказида “Ҳаж - 2023” мавсумига тайёргарлик жараёнлари жадал давом этмоқда. Хусусан, бўлғуси ҳожиларнинг визаларини расмийлаштириш, авиачипталарни харид қилиш, элликбошиларга гуруҳларни бириктириш, зиёратчиларга ҳаж қўлланмаси, нимча, сумкаларни тарқатиш каби ишлар қизғин тарзда амалга оширилмоқда.

Айни кунларда элликбошиларнинг зиёратчилар билан сафар олди ўқув машғулотлари ташкил этилмоқда. Унда ҳаж зиёратлари одоблари, уларни амалга ошириш тартиби, сафарга бориш-келиш қоидалари, шартлари ва талаблари ўргатилмоқда. Шунингдек, зиёратчиларга ҳаж китоби тақдим қилинмоқда. Шулар асосда зиёратчи сафарга кетгунга қадар тайёргарлик кўради.





